



ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВ ВА НАМУНАЛАРИНИ ЎСУВ ДАВРИ ДАВОМИЙЛИГИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ.

Маматкулов Икром Шавкатович

*Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти*

Аннотация. Мақолада суғориладиган майдонларда халқаро кузги буғдой ҳосилдорлигини синаш кўчатзори (IWWYT-IR) га киритилган нав ва намуналарининг ўсув даври давомийлиги белгисини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Бунда IWWYT-IR кўчатзорларига киритилган 130 та нав ва намуналарининг ўсув даври давомийлиги андоза навига нисбатан таққослаб ўрганилган.


Калит сўзлар: юмшоқ буғдой, кўчатзор, IWWYT-IR, ўсув даври, нав, намуна, баҳолаш, танлаш, бошланғич манба.

Кириш. Сўнги йилларда глобал иқлим ўзгариши буғдой ҳосилдорлигига, доннинг тўлиқ шакилланиши ва сифатига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳам буғдой етиштирувчи давлатларда бу экиннинг серҳосил, дон сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга, ётиб қолишга, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли навларини яратиш бўйича селекция ишларини режали равишда олиб боришга катта этибор қаратилмоқда.

Селекция жараёнининг биринчи ва энг муҳим босқичи қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган янги навларни яратишда бошланғич материални тўғри танлаш зарур, аҳмият касб этади. Дастлабки биринчи бошланғич материал шу ҳудудга мослашган маҳаллий навлар ҳисобланади. Замонавий тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги вақтда етиштирилаётган навларнинг генетик ҳилма-ҳиллигининг камайиш тенденцияси мавжуд янги навларга бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги селекционерларни дурагайлаш учун шаклларни танлашда экологик, географик келиб чиқиши узоқ бўлган шакллардан фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Кўплаб муаллифларнинг таъкидлашича, ҳосилдорлик, дон сифати, қурғоқчиликка чидамлилиқ ва бошқа кўплаб хусусиятлар учун вегетация даврининг аҳамияти катта [3].

Материал ва методлар. Тажриба материаллари суғориладиган майдонларда халқаро кузги буғдой ҳосилдорлигини синаш кўчатзори (IWWYT-IR) га киритилган 130 та нав ва намуналари ҳисобланади. Тажриба кузатувлари, таҳлиллар Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти [4] ҳамда ДДЭИТИ





Галлаорол ИТС томонидан қабул қилинган [1] услубий қўлланмалар бўйича дала шароитида амалга оширилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Тадқиқотларда IWWYT-IR (суғориладиган майдонларда халқаро кузги буғдой ҳосилдорлигини синаш) кўчатзорида 40 та намуна уч қайтариқда экилган бўлиб, уларнинг униб чиқишдан тўлиқ бошоқлашгача бўлган даври ўртача 185 кунни ташкил этди. Назорат сифатида олинган маҳаллий буғдой Замин-1 навида ҳам бу кўрсаткич 185 кунга тенг бўлди. Таҳлил қилинган 40 та намунадан 16 таси назорат Замин-1 навида нисбатан 4-5 кун олдин бошоқлаган бўлса, 9 та намуна назорат Замин-1 навида яқин, яъни 184-186 кунни ташкил этди. Қолган 15 та намунада эса бошоқлаш назоратга нисбатан кечроқ бўлиб, уларда бу давр ўртача 190 кунни ташкил этди. Бошоқлашдан тўлиқ пишишгача бўлган даври ўртача 36 кунни ташкил этди. Назорат сифатида олинган маҳаллий буғдой Замин-1 навида ҳам бу кўрсаткич 36 кунни ташкил этди. Таҳлил қилинган 40 та намунадан 14 таси назоратга нисбатан 3-5 кун олдин пишиган бўлса, 9 та намуна назоратга яқин, яъни 36-37 кунни ташкил этди. 15 та намунада эса назоратга нисбатан кечроқ пишиш кўрсатилган бўлиб, уларда бу давр ўртача 40 кунни ташкил этди.

Тадқиқотларда IWWYT-IR яъни юқорида таҳлил қилинган кўчатзорнинг янги намуналари ўрганилди. Назорат нав сифатида маҳаллий Замин-1 нави ва бутун дунёда назорат нав сифатида фойдаланиладиган Безостая-1 нави ҳамда Киначи 97, Кате А1 ва Кония 2002 навлари ҳар бир кўчатзорда экилди.

Ўрганилаётган намуналарнинг униб чиқишдан-тўлиқ бошоқлашгача бўлган даври ўртача 168 кунни ташкил этди. Маҳаллий назорат Замин-1 навининг униб чиқишдан тўлиқ бошоқлашгача бўлган даври 167 кунни, умумий назорат учун олинган Безостая-1 ва Киначи-97 навлари 170 кунни ташкил этди. 40 та намунадан учтаси назорат Замин-1 навидан 2-3 кун аввал бошоқлаган бўлса, 19 та намуна бу навадан 3-4 кунга кеч, 17 та намунаси эса назоратга яқин, яъни 167-168 кунда тўлиқ бошоқлади (1 жадвал).

Бошоқлашдан мум пишишгача бўлган давр ўртача 35 кунни ташкил қилган бўлса, шулардан 5 та намунада бу давр 30 кунга тўғри келганини, маҳаллий назорат Замин-1 навида 41 кунга тўғри келганлиги аниқланди. Бошқа барча намуналарда 35-37 кунни ташкил этиб, бу навларнинг барчасида гуллашдан мум пишишгача бўлган давр назорат сифатида олинган маҳаллий навларга нисбатан қисқароқ эканлиги кузатилди. Бу давр буғдойда дон шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, доннинг тўлиқ шаклланиши шу даврдаги об-ҳаво ва тупроқдан олинган озуқага кўпроқ боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида умумий ҳосилдорликка сезиларли таъсир қилади.

2018-2019 йилларда тажриба ўтказилган ҳудудда қулай шароит бўлиб, ўсимликларни тўлиқ униб чиқиши ноябр ойининг биринчи ўн кунлигида яқунланган бўлса, унинг бошоқлаш ва гуллаш даври апрел ойининг охирига





тўғри келди ва бу ўрганилган намуналарнинг тўлиқ пишиши июн ойининг биринчи 10 кунлигининг бошига тўғри келди.

2019-2020 йилда IWWYT-IR кўчатзоридаги нав намуналар бўйича тадқиқотлар давом эттирилди. Бу кўчатзор ҳар бир қайтариқда 50 тадан намуна уч қайтариқда экиб ўрганилди. 2020 йилда бу кўчатзор қулай муддатларда октябр ойининг охириги ўн кунлигида тўлиқ униб чиққанлиги кузатилди. 2020 йилда баҳор ойларининг салқин келиши нав ва намуналарнинг бошоқлаш ва гуллаш даврининг узайишига сабаб бўлди. 2020 йилда бу намуналарнинг тўлиқ бошоқлаши ва гуллаши май ойининг 8-12 кунларига тўғри келди ва умумий олганда бу давр 190-195 кунни ташкил этди.

1-жадвал.

IWWYT-IR кўчатзорида нав ва намуналарнинг ўсув даври давомийлиги, (Ғаллаорол, 2018-2020 йилар.)

/P	Вегетация даври	кун	Намуналар сони (дона)		
			IWWYT-IR (2018)	IWWYT-IR (2019)	IWWYT-IR (2020)
Униб чиқиш-бошоқлаш					
1	Тезпишар	165-166	16	3	16
2	Ўрта пишар	167-168	9	19	22
3	Кеч пишар	170-171	15	17	12
Бошоқлаш -тўлиқ пишиш					
1	Тезпишар	30-35	14	5	11
2	Ўрта пишар	35-37	15	33	19
3	Кеч пишар	37-40	11	2	20

Таҳлил қилинаётган 50 та намунадан 8 таси назорат Замин-1 навига нисбатан 2-3 кун эртароқ бошоқлаганлиги кузатилди. Бунда назорат Замин-1 навининг бу йилдаги униб чиқиш-бошоқлаш даври 194 кунни ташкил этган бўлса, қолган барча намуналарнинг бошоқлаш ва гуллаш даври назорат Замин-1 навига яқин эканлиги кузатилди.

Кузги буғдойда ўсув даврени фенологик баҳолашда униб чиқишдан бошоқлашгача бўлган давр кўп ҳолларда тўғри хулоса чиқариш имкониятини бермайди. Бунинг сабаби кузда 5-10 кунга эртароқ ёки кечроқ экиш баҳорги бошоқлаш даврига камроқ таъсир қилади. Чунки баҳорда тиним даврени қандай ўтган бўлишига қарамай ўсимликни ривожланиши учун зарур бўлган оптимал иссиқлик миқдорини олиши зарур. Бу ўз навбатида ўсимликларни найчалаш фазасининг бошланишини белгилайди. Найчалаш фазаси баҳорда ўсимлик уйғониб, ривожланиш бошланганидан 25-35 кун оралиғида бошланади ва 25-30 кун давом этади. Бу даврда ўсимликка сув ва озуқа элементлари зарур бўладиган давр ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида бу давр апрел ойига тўғри келади. Шунинг учун шу ойда агротехник тадбирларга муҳим аҳамият бериш талаб қилинади [2].





Хулоса. Олинган натижалар таҳлили асосида IWWYT-IR (суғориладиган майдонларда халқаро кузги буғдой ҳосилдорлигини синаш кўчатзори) намуналарининг униб чиқиш-бошоқлаш даври таҳлил қилинганда бошоқлаш - тўлиқ пишиш даври ўртача 36-37 кунга тўғри келди. IWWYT-IR кўчатзоридаги 9801, 9802, 9814, 9818, 9828, 9833, 9841, 9849 намуналар маҳаллий Замин-1 навига нисбатан эртапишар, 9809, 9824, 9826, 9829, 9830, 9838 намуналар кечпишар эканлиги ва барча кўчатзорларда ўртача 50% намуналар ўртапишар, гуруҳларга кириши аниқланди. Бу намуналарда тўлиқ пишиш ўртасидаги фарқ 3-4 кундан ошмаслиги ўрганилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аманов А. А. ва бошқалар. Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчилиги бўйича услубий қўлланма. Ғаллаорол 2004 йил.
2. Borlaug N.E. Preface // Wheat breeding at CIMMYT: Commemorating 50 years of research in Mexico for global wheat improvement. Wheat special report– Mexico, CIMMYT, 1995. – № 29. – P. 5-10.
3. Иваненко Н.А. Посевные качества семян озимой пшеницы и ржи в тюменской области // Электронный научный журнал. Современные проблемы науки и образование. 2015 выпуск 2.– С. 74-79.
4. Изучение мировой коллекции пшеницы. Методические указания. ВИР. Ленинград 1984.
5. Karshiboev Khasan Xolbazarovich. High-yielding varieties and lines for breeding durum wheat // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. - Т. 11. - №. 9. - С. 532-537.
6. Каршибоев Х. Х., Покровская М. Н. Создание исходного материала для селекции твердой пшеницы с высокой продуктивностью и засухоустойчивостью //Аграрная наука. – 2017. – №. 4. – С. 18-20.

